

**Айтбаев Мансурбек Юсупович**

*Тошкент давлат аграр университети*

*Гуманитар фанлар ва ҳуқуқ қафедраси доценти, ф.д. (PhD)*

**Аннотация.** Мақолада заминимиздан етишиб чиқган буюк алломаларимиздан Маҳмуд Замаҳшарийнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти, мухим кашфиётлари, ҳаёт иўли ва диний-фалсафий мероси, илмий фалсафий қараашлари кенг ёритилиб берилган.

**Калит сўзлар.** Тафсир, ҳадис, нахв, лугат, фахрия, марсия, назмий

Жаҳонда нафақат Гарб балки Шарқ мутафаккирлари фалсафий-ахлоқий меросини ҳар томонлама тадқиқ қилиш нафақат замонавий таббий-илмий парадигмалар балки тарбия назариясининг ғоявий-методологик асоси эканлиги эътироф этилмоқда. Айниқса, заминимиздан етишиб чиқган буюк алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти, мухим кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Хусусан, Маҳмуд аз –Замаҳшарийнинг ислом маданияти ва фалсафасини ривожлантиришдаги ўрни ҳам бекиёсdir. Алломанинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссасини маънавий жасорат деб таърифласак хато қилмаган бўламиз. Айни шу маънода, алломанинг диний-фалсафий меросини ўрганиш чуқур билимли, мустакил фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида Маҳмуд аз-Замаҳшарий фалсафий-ахлоқий қараашларининг қиёсий таҳлили асосида унинг замонавий шахс тарбиясидаги аҳамиятини очиб бериш, тафсир, ҳадис, нахв, лугат, илм-ул-баён, очиб бериш, Куръони карим сурा ва оятлари, ҳадислар маъносини ўрганишнинг ижтимоий муносабатларда муроса маданиятига амал қилиш учун заруратини асослаш бўйича илмий тадқиқот ишлари нафақат шарқ, балки гарб, хусусан, европалик шарқшунос Броккељман, Бенцинг, Гибб, Голдциер, Нельдеке, Райт кабилар, И.Ю.Крачковский, Б.З.Холидов, А.Б.Холидов, В.М.Белкин, В.В.Бартольд, А.К.Боровков, А.Кримский каби олимлар томонидан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда Шарқ мутафаккирларининг олам ва одам, таълим ва тарбия, иймон ва эътиқод, оила ва никоҳ, шахс маънавияти, давлат ва жамият бошқарувига оид қараашларини тадқиқ этиш, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, “ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш”<sup>2</sup> авлодлараро

<sup>2</sup> Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.35.

ворисийликни таъминлаш воситаси сифатида амал қилмоқда. Зеро, “Ислом дини бизни эзгулик билан тинчликка, асл инсоний фазилатларни араб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси”<sup>3</sup> ни ўрганиш ҳозирги кунда диний ва дунёвий билимлар мутаносиблигини таъминлаш, дунёвий тафаккурни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 618-I-сон, 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда мавзуга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Буюк аждодларимиз инсон маънавий-ахлоқий камолати масаласини илм билан боғлашган. Бу ўзининг теран маъноси ва мантиқий асосига эга. Ҳақиқатан ҳам, борлиқ сир-асрорларидан бохабар бўлмасдан туриб, ақл имкониятларидан самарали фойдаланмасдан, етук инсон мартабасига эришиб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам илм аҳли барча даврларда таълим-тарбиянинг моҳияти, зарурати, қадр-қиммати, уни амалга ошириш усул ва воситалари, ундан кутилган мақсад масалаларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратишган. Хусусан, буни биз Уйғониш даври мутафиқирлари ижодида кўришимиз мумкин. Мазкур тадқиқотда шу давр Марказий Осиё олимлари, файласуфларининг ичида ўз ўринига эга бўлган Маҳмуд аз -Замаҳшарийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлар ривожига қўшган ҳиссаи, уни ўрганишнинг илмий-амалий аҳамиятини асослашга ҳаракат қиласиз. Маълумки, Яқин ва Ўрта Шарқда IX асрдан бошлаб, бир неча аср давом этган маданий юксалиш “Шарқ халқлари Ренессанси”, “Мусулмон Ренессанси” каби номлар билан тилга олинади. Фарбда эса бундай давр XV-XVI асрларга тўғри келади ва маълум маънода Шарқ Ренессансининг давоми сифатида юзага чиқади.

Дунё тафакур оламида ирфоний-фалсафий из қолдириган ету аллома Замаҳшарий (1075 йил 19 марта) Хоразмнинг Измиқшир қишлоғида таваллуд топган. Бу зотнинг тўлиқ исми Абул Қосим ибн Умар аз-Замаҳшарийдир.

Алломанинг отаси Умар ибн Аҳмад масжидда имомлик қилган, онаси тақводор ва диндор аёллардан бўлган. Унинг араб грамматикасига бағишлиланган “Ал Муфассал” китоби ўзининг даражасига кўра араб олими Сибавваҳнинг китобидан кейин туради. Ҳаётлигидаёқ уни “Бутун олимларнинг устоди”, “Бутун араблар ва

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутки. “Халқ сўзи”. 2017 йил, 20 сентябрь.

ажамнинг (араб бўлмаганлар) устоди”, “Жоруллоҳ-Оллоҳнинг қўшниси”, “Хоразмнинг шарафи” ва бошқа тахаллус, мулаққаблар билан улуғлашган.

Бошланғич таълимни ўз қишлоғида олган Маҳмуд кейинчалик Гурганч ва Бухоро мадрасаларида таҳсилни давом қилдирган. Мадрасани тугатганидан сўнг мустақил мутолаа билан шуғулланди. У ўқиши давомида Абумузар ибн Жарир Заббиё Исфаҳоний, Носир Ҳосирий, Абусаъд Законий, Абулхаттоб ибн Абулбатир сингари ўз замонасининг машҳур олимлари билан яқин мулоқотда бўлди ва улардан таълим олди.<sup>4</sup>

Ватанимиздан етишиб чикқан буюк қомусий олимлар табиий-илмий фанлар билан бир қаторда ижтимоий гуманитар билимлар соҳасида ҳам катта муваффақиятга эришадилар. Форобий, Замахшарий, Азизиддин Насафий,, Наршахий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, маҳмуд Қошғарий, Лутфий, Сакокий, Навоий, Бобур шулар жумласидандир.<sup>5</sup>

Маҳмуд Замахшарий ҳаттотликни пухта ўзлаштириб олиб одамларга китоблар кўчириб бериб тирикчилик қилган. Бунга эса ёшлигида варрак учириб томдан йиқилиб тушиб бир оёгини синдириб олгани бир жойда ўтириб ишлашга мажбур қилганидан ҳам билса бўлади. Илмга ташналигидан доимо изланишда бўлган. У ўзининг ногиронлигига қарамай илм излаб Исфаҳон, Хурросон, Боғдод, Ҳижозда, икки марта Маккада сафарда бўлган. Бир неча йил Ироқ ва Арабистон ярим оролида яшаб, йирик тилшунос олим сифатида “Асос ул-балога” (“Чечанлик пойдевори”), “Алфоик фи ғарибил-ҳадис”), (“Ҳадисдаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи”) каби ажойиб асарлар яратиб араб тилшунослик фанининг ривожига муносиб ҳисса қўшди.<sup>6</sup>

Аллома “Тўғри ва хақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир. Пасткаш кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб, у билан фахрланиши, чанқоқ кишининг сув шуъласи (сароби)ни кўриб алдангани кабидир” дейиши ўз даврининг стереотипларини ёриб чиқди.<sup>7</sup> Зеро, динда ҳам насл-насаб билан мақтаниш қораланади.

Бу зотининг бошқарув ва раҳбаршунослик фалсафасига оид қарашлари жумладан, “Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёsat юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлур” каби фикрлари замонасидаги амалдорлар учун танбех ва насиҳат ўлароқ қабул қилинган.<sup>8</sup>

Замахшарий ўзининг “Ал-жилоб валамкина валмией” ёки “Китобу асмо ил-адвия вал-жибол”, (“Тоғ, манзил ва сувлар” ёки “Дори-дармон ва тоғларни исмлари китоби”) каби топономик асарларини яратди. Унинг “Муқаддамат ул-араб”, (“Адабиёт муқаддимаси”), “Ал-мустақсо фи амсол ил араб”, (“Араб мақолаларини

<sup>4</sup> Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. -Б 8.

<sup>5</sup> Ш. Ҳайтов. Муроса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш. - Т.: Фалсафа ва хукуқ институти. 2010 й. -Б. 262.

<sup>6</sup> Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. -Б 9.

<sup>7</sup> Маҳмуд аз-Замахшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.

<sup>8</sup> Ўша манба.

ниҳоясига етказувчи”), “Навобиг ул-калим”, (“Ҳикматли сўзлар”, “Мақомат аз Замаҳшарий” (“Замаҳшарий мақомлари”), “Атвок уз-захаб фил маъвоъиз вал-хутаб” (“Ўгит ва насиҳатларнинг олтин мунчоқлари”) асари билан фалсафа ва адабиётшунослик фанини ривожлантириди. Айниқса, унинг кейинги асари бадиий насрнинг юксак намуналари ҳисобланади. Замаҳшарийнинг арабча девони ҳам бўлиб, лирик, фалсафий шеърлар қасида, фаҳрия, марсия ва назмий мактублардан иборат.

Замаҳшарий замондоши Абусамад Мухаммад Саъоний (1179-1229), араб тарихчиси Ёқут Хамавий (1179-1229), мисрлик Жалоладдин Кифтий (1167-1248)лар унинг тенги йўқ олим ва ўз замон адилларнинг имоми (пешвоси) бўлганлигини таъкидлайдилар. Замаҳшарий замонасидаги бошқарув соҳасида фаолият кўрсатаётган Хоразмшоҳ Отсизга бағишлаб қасидалар ёзган.

Замаҳшарий умри давомида араб тили, адабиёт, тарих, география, фалсафа ва бошқа фанларга доир 80 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган бўлса-да, бизгача фақат 50 таси етиб келган. Замаҳшарийнинг “Девон ур-расоил” (“Рисолалар тўплами”), “Девону хутаб” (“Хутбалар тўплами”), “Девон ут-тамсил” (“Матал ва мақоллар тўплами”), “Девону таслият из-Зарип”, “Девону рисолат ил-асрор”, “Девону рисолат ин-носиха”, “Девону савоир ил-амсол”, “Девону рисолат ил - масъала” ва бошқа асарларининг номларинигина биламиз. Унинг бизгача етиб келган бадиий асарларидан бири “Девон аз-Замаҳшарий” бўлиб ушбу девоннинг нодир қўлёзма нусхаси Миср кутубхонасида сақланади. Замаҳшарийнинг Қуръони Карим тафсирига оид “Ал-Кашшоф” асари мусулмон оламида айниқса машҳурdir. Қоҳирадаги дунёга донғи кетган “Ал-Азҳар” диний университетида талабалар Қуръонни “Ал-Кашшоф” асари орқали ўрганадилар. Мусулмон дунёси уламолари Замаҳшарийнинг “Ал-Кашшоф” асарини “Қуръонни очқичи” деб таърифлашади ва агарда ушбу асар бўлмаганида Қуроннинг жуда кўп сирлари очилмаган бўларди деб таърифлашади.<sup>9</sup>

Замаҳшарий нафақат ўзининг илмий-фалсафий асарлари, бадиий ижоди билан олим ва шоир сифатида, балки етук дин уламоси сифатида бутун ислом дунёсида шуҳрат қозонди.

Маҳмуд аз -Замаҳшарийнинг ажойиб фалсафий ва рационалистик қарашлари, унинг фалсафанинг азалий муаммолари ҳақидаги аниқ мuloҳазалари, ҳайратланарли талқинлари ва классик саволларга кутилмаган жавоблари кўпчилик файласуф олимларни ҳалигача ҳайратда қолдиради. Алломанинг ижодий мероси бизга тўлиқ етиб келмаганига қарамай, шу вақтгача сақланиб қолган барча асарлари фалсафа тарихи соҳаси учун бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Маҳмуд аз - Замаҳшарийнинг номи бутун фалсафий ўрта аср тафаккур тарихидаги инқилобий ўзгаришларни ҳосил қилган десак янглишмаган бўламиз. Чунки у киши ислом фалсафаси тарихида биринчи марта метафизика, ахлоқ ва мантиқ муаммоларини ўзига хос жиҳатларини ёритиб берган. Шу боисдан ҳам Маҳмуд аз -Замаҳшарийнинг

<sup>9</sup> Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 9.

фалсафий ахлоқий қарашларини мусулмон Шарқи маънавий маданияти ривожига қўшган ҳиссасини юқори эътиборсиз қолдириб бўлмайди, чунки унинг ғоялари ҳар бир нафақат миллий-диний фалсафа оқимлар балки умуман жаҳон фалсафасини ўрганишда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Дарвоқе, буюк мутафаккир бобомиз Ҳазрат Миралишер Навоий “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёҳ”) достонининг устози Абдураҳмон Жомий таърифига бағишланган бобида Замаҳшарийни эслаб ўтади:

Арабиятда дарс аниңг вирди.  
Ибни Ҳожиб камина шогирди.  
Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,  
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ.<sup>10</sup>

Арабчадан дарс бериш унинг доимий иши, ибни Ҳожиб унинг камтарин шогирди, ибни Ҳожибгина эмас, ҳатто Жоруллоҳ ҳам араб грамматикасида унга тенглаша олмайди,-деган.

Олим оила ташвишлари ижодга ҳалақит беради, деб дунёдан тоқ ўтган, аммо кўплаб шогирдлари ва асарларини ўз фарзандлариdek билган. Замаҳшарий 1144 йилда 69 ёшида Хоразмда вафот қилди. 1333 йилда Хоразмни зиёрат қилган араб сайёҳи Ибн Батута (1304-1377) Замаҳшарийнинг мақбарасини Кўхна Урганч яқинида кўрганини ва унинг устига қубба ўрнатилганини ёзиб қолдирган.

Мухтасар қилиб айтганда, Замаҳшарий илмий-фалсафий қарашларини ва умуман ижодини ўрганишда ҳамда ўзбек тилига таржима қилишда профессор А. Рустамов ҳамда шарқшунос У.Уватовларнинг хизматлари каттадир.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.35.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”. 2017 йил, 20 сентябрь.
3. Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 8.
4. Ш. Ҳаитов. Муроса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2010 й. –Б. 262.
5. Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 9.
6. Маҳмуд аз-Замаҳшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ. Ўнинчи том. ХАМСА. Сабъаи сайёр. – Т.: “фан” нашриёти, 1992 йил. –Б.35.

7. Маҳмуд аз-Замаҳшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.

8. Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 9.

9. Алишер Навоий. МУКАММАЛ АСАРЛАР ТҮПЛАМИ. Ўнинчи том. XAMCA. Сабъаи сайёр. – Т.: “фан” нашриёти, 1992 йил. –Б.35.